

## Барчамизга тегишли масала



16:00 / 30.01.2023 2988

Арабларда қадимги вақтларда киши аёли минган отни сотмас, балки рашки кучлилигидан бошқа бирор эркак минмасин деган мақсадда отни сўйиб юборар эди.

Бугунги кунда аёл кишининг дафн маросимида шундай воқеа юз беради: «Аёлнинг маҳрам қариндошлари қабрнинг атрофини ўраб, номаҳрамлар яқинлашмасин деб тиқилинч ҳосил қиладилар. Овозлар баланд кўтарилиб: «Майитнинг устини ёпинглар, қабрни тўсинглар», деган гаплар янгарайди. Буларнинг ҳаммаси ўша тобутда ётган аёлга бўлган рашк, қизғониш сабабли бўлади. Ваҳоланки, аёл жонсиз ҳолда кафан ичида ётибди».

Аслида, маҳрам аёлларимизга бўлган рашку қизғонишимиз уларнинг

тирикликларида бўлиши муҳимроқ, авлороқ эмасми?!

Аёлнинг либоси отасининг тарбиясидан, онасининг иффатидан, ака-укаларининг рашкидан, эрининг ҳамиятли, мардлигидан ҳикоя қилади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

أَيُّ عِبَادٍ كُفِرُوا تَنَاكُ مَوَدَّةً وَسَأْرَمًا كُؤْبَأْنَا كَامَنُورَاهَ تَحُأَي

«Эй Ҳоруннинг синглиси, отанг ёмон бўлган эмас ва онанг ҳам бузуқ бўлмаган эди-ку!» – дедилар» (Марям сураси, 28-оят).

Аслида, Биби Марям Мусо алайҳиссаломнинг биродари Ҳорун алайҳиссаломнинг синглиси эмас, балки ул зотнинг наслидан эди. Шунинг учун қавм Марямга Ҳоруннинг нисбатини бериб, «Ҳоруннинг синглиси» деб мурожаат қилмоқдалар. «Отанг Имрон ёмон одам эмас эди, онанг Ҳанна ҳам бузуқ хотин эмас эди, сен қандай қилиб эрга тегмай туриб, бола туғиб олдинг?» демоқчи бўлдилар. Қавм буни очиқ айтмаса ҳам, унинг таънасидан шу маъно англашилади. Уларнинг сўзларидан Биби Марямни зинокорликда айблашга ишора очиқ-ойдин сезилиб турибди. Эътибор берсангиз қавм акани, ота-онани зикр қиляпти. Чунки қизнинг тарбиясига ота-она, ака-укалар, турмушга чиққач, эса эри масъул бўлади. Ушбу суранинг кейинги оятларида Биби Марям зинодан ҳомиладор бўлмаганлари, йўргақда кўтариб келган болалари Аллоҳнинг улуғ мўъжизаларидан бири Ийсо алайҳиссалом экани баён қилинган.

Маданият, эркинлик қадриятлардан воз кечиш, очиқ-сочиқ юриш дегани эмас. Балки чинакам маданият диний қадриятларга, ахлоққа амал қилиш, ҳаё-иффат ила безанишдир. Ҳар бир ота, ака, бобо ва эр ўзига қарашли маҳрам аёлларни моддий ва маънавий зарарлардан эҳтиёт қилиши, уларни қизғониши лозим.

**Нозимжон Ҳошимжон**